

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НОРМАТОВ ҒАЙРАТ АЛИЖАНОВИЧ

**ЦЕЛЛЮЛОЗАЛИ МАҲАЛЛИЙ ХОМ-АШЁЛАРДАН
ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ҲАМДА ИШЛАТИЛИШ СОҲАЛАРИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Норматов Ғайрат Алижанович

Целлюлозали маҳаллий хомашёлардан целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олиш технологияси ҳамда ишлатилиш соҳалари..... 3

Норматов Ғайрат Алижанович

Технология получения целлюлозы и её производных из целлюлозосодержащего местного сырья и области их применения..... 21

Normatov Gayrat Alijanovich

Technology for obtaining cellulose and its derivatives from cellulose-containing local raw and fields of their application.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НОРМАТОВ ҒАЙРАТ АЛИЖАНОВИЧ

**ЦЕЛЛЮЛОЗАЛИ МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН
ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ҲАМДА ИШЛАТИЛИШ СОҲАЛАРИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3PhD/Т3032 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tktiti.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Примкулов Маҳмуд Темурович,
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ёдгоров Нормоҳаммад
кимё фанлари доктори

Соттиқулов Элёр Сотимбоевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc16/30.122019.К/Т.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 29 » май соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, тошкент тумани Ибрат МФЙ., Шўробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 2023/13 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ., Шўробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил « 16 » май куни тарқатилди.
(2023 йил « 16 » майдаги 2023/13 рақамли реестр баённомаси)



Джалилов А.Т.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ж.ф.д., проф., академик

Ширинов Ш.Д.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
т.ф.PhD., к.и.х.

Бекназаров Х.С.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда целлюлоза ва унинг ҳосилалари асосидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш соҳаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун қулай ва арзон маҳаллий хом ашёдан целлюлоза ишлаб чиқариш долзарб ҳисобланади. Улардан турли хил кимё саноати, тиббиёт, фармацевтика ва бошқа саноат тармоқлари учун целлюлоза маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва олиш технологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда таркибида целлюлоза сақлаган бир йиллик ўсимлик пояларини қайта ишлаш ва уларнинг турли қисмларидан целлюлозани ажратиб олиш, ҳамда уларни физик-кимёвий хоссаларини, структуравий ўзгаришларини аниқлаш устида тадқиқотлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бу борада қимматбаҳо ёғоч целлюлозасини ўрнига, бир йиллик ўсимликлар поясини қайта ишлаб целлюлоза олиш, жараённинг оптимал шароитларини аниқлаш ҳамда олинган целлюлоза ва унинг ҳосилаларини энергетика, кимё, нефтни қайта ишлаш ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш орқали, целлюлозали маҳсулотларнинг турларини ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулот турлари ва ҳажмини кенгайтириш, маҳаллий хомашёлар асосида целлюлоза ва унинг эфирларини олиш, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, қоғоз саноатида қўллаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»² муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан самарали усулларни қўллаб ўсимлик полимерлари асосида реакцион қобиляти юқори целлюлоза олишнинг инновацион технологияларини яратиш, целлюлоза микрокристаллик целлюлозаларининг сифат кўрсаткичларини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»²ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон «Саноат коорпорациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Толали материаллардан целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олиш ҳамда улардан турли мақсадлар учун фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш бўйича дунё олимлари, жумладан: М. Маклеод, А. Маркус, Э. Рейхман, Р. Мареш, Э. Эбинар, А. Колдер, А.С. Тураев, Л.С. Кочева, И.Р. Ахмедшин, А.Н. Гладнева, М.С. Дудкин, А.Р. Минакова, А.Т. Е.Л., Петропавловский Г.А., Роговин З.А., шунингдек юртимиз олимлари Х.У.Усманов, С.С. Негматов, А.Т. ДЖалилов, Ғ.Р. Рахмонбердиев, С.Ш. Рашидова, Ш. Нажмуддинов, А.А. Саримсоқов, А.А. Атаханов, И.А. Набиева, Р.С. Сайфутдинов, Д.С. Набиев, Б.С. Қорабоева ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ушбу олимлар томонидан ўсимликлардан целлюлоза ва ҳосилалари олишнинг турли усуллари, уларни олиш жараёнларига турли хил технологик омилларнинг таъсири ўрганилган. Шунингдек табиий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида олинган целлюлоза ва унинг ҳосилаларини саноатнинг турли соҳаларида қўллаш тавсия қилинган.

Ҳозирда маҳаллий хомашёлар асосида целлюлоза олиш, уларни қўллаш соҳаларини кенгайтириш мақсадида фаол функционал гуруҳларни ўз ичига олган бирикмалар билан модификациялаш, ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини яратиш, ҳамда амалиётда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №МУ-ПЗ-20171025237 «Полиз экинларидан ҳар хил мақсадлар учун целлюлоза олиш» (2017-2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: целлюлозали маҳаллий хомашёлардан целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таркибида целлюлоза миқдори кўп бўлган бир йиллик маҳаллий ўсимлик пояларини танлаш, қайта ишлашга тайёрлаш, таркибидаги целлюлозани сифат ва миқдор жиҳатидан тадқиқ қилиш;

танлаб олинган бир йиллик махаллий ўсимликлар пояларининг турли қисмларидан целлюлоза олиш ва жараённинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш;

ишқорли-кислотали усул билан бир йиллик ўсимликлар пояларидан олинган целлюлозанинг асосий сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

бир йиллик ўсимликлар целлюлозаси асосида микрокристаллик целлюлозани олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва структуравий ўзгаришларини аниқлаш;

полиз ва сабзаёт ўсимликлари пояларидан целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олишни экологик хавфсиз технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг иқтисодик самарадорлигини аниқлаш.

бир йиллик ўсимликлар поялари асосида олинган целлюлоза ҳосилаларини энергетика, кимё, нефтни қайта ишлаш ва халқ хўжалиги соҳаларида қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида картошка, ошқовоқ, помидор, ер ёнғоқ каби полиз ва сабзаёт ўсимликлари пояси, синтез қилинган целлюлоза ва микрокристаллик целлюлоза шунингдек, ишқор, нитрат кислота ва водород пероксиди олинган.

Тадқиқотнинг предмети ишқорий ва кислотали муҳитларда бир йиллик полиз ва сабзаёт ўсимликлари поясидан целлюлоза, микрокристаллик целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олиш, шунингдек уларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ҳамда қўллаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тадқиқотлар натижасида олинган моддаларнинг тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этишнинг замонавий физик ва физик-кимёвий таҳлил усуллари, жумладан, ИҚ-спекторскопия, рентген, электрон микроскопик, титрлаш, вискозиметрия, спектрофотометр ва фотоэлектроколориметрия усулларидан. фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

ер ёнғоқ, ошқовоқ ва картошка пояларидан целлюлоза олишнинг ишқорий-кислотали-водород пероксидли усули ишлаб чиқилган;

комбинирланган усулда микрокристаллик целлюлоза олиш жараёнида маҳсулотнинг сифати ва унуми, кислота/перексид нисбатларига боғлиқлиги исботланган;

сувли экстракциялаш ҳамда кислота ва ишқорли гидролизлаш орқали, ўсимлик поялари таркибидаги осон ва қийин эрийдиган полисахаридларнинг оптик зичлигининг ўзгариш кинетикаси аниқланган;

помидорнинг асосий поясидан олинган целлюлозанинг сувда бўқиш даражаси, ён шохларидан олинган целлюлозанинг бўқиш даражасига қараганда 5-6% га юқори бўлиши аниқланган;

бир йиллик полиз ва сабзаёт ўсимликлари пояларидан целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олиш технологияси ишлаб чиқилиб, жараённинг мақбул

шароитлари ҳамда олинган маҳсулотларнинг физик, физик-кимёвий хоссалари ва структуравий ўзгаришлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полиэстер ва сабзаёт ўсимликлари поясидан целлюлоза олишнинг, инсон саломатлиги учун хавфсиз бўлган янги усули ишлаб чиқилган;

бир йиллик маҳаллий ўсимликлар поясидан микрокристаллик целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олишнинг иқтисодий самарадор технологияси ишлаб чиқилган;

олинган целлюлозасининг фосфорли эфири иссиқлик электр станцияси ички айланма суви таркибидаги кальций ионларини 4,7 дан 3,1 мг-экв/л гача, магний ионларини 3,2 дан 2,1 мг-экв/л гача, шунингдек сувнинг қаттиқлигини 60 % гача камайтириши аниқланган;

олинган целлюлозали сорбентлар, чиқинди сувлар таркибидаги органик бирикмалар ионларини 90–92% гача, оғир металл ионларини 86,5-92% гача, жумладан, мис ионларини 94% гача, сульфат ионларини 95,7 % гача, молибден ионларини 79% гача, темир ионларини 71% гача тозалаш аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўсимлик полимерларидан олинган целлюлоза ва микрокристаллик целлюлоза маҳсулотлари структураси ва хоссаларини ИҚ-спектроскопия (IRTracer-100), оптик микроскопия, титрлаш, рентгеноструктура, вискозиметрия ва спектрофотометр каби физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари қўллаш натижалари билан аниқланган, шунингдек, олинган натижаларни қиёсий таҳлил асосида маҳаллий ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полиэстер ва сабзаёт ўсимликлар пояларидан олинган целлюлоза ва микрокристаллик целлюлозанинг физик, физик-кимёвий, структура хоссалари ва улардан олинган маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликнинг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти полиэстер ва сабзаёт ўсимликлардан олинган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган целлюлоза ва микрокристаллик целлюлоза саноатнинг энергетика, кимё, нефтни қайта ишлаш ва халқ хўжалиги каби турли жабҳаларида қўлланиладиган целлюлоза ва унинг ҳосилаларини маҳаллийлаштириш ҳамда тан нархини арзонлаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Целлюлозали маҳаллий хомашёлардан целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олиш технологияси ҳамда ишлатилиш соҳалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

полиэстер экинлари поясидан олинган целлюлоза ҳосилалари “Тўрақўрғон ИЭС қуриш дирекцияси” УК да амалиётга жорий қилинган («Иссиқлик электр станциялари» АЖ нинг 2021 йил 19 апрелдаги № 02-13/977-сон

маълумотномаси). Натижада, чиқинди сувлар таркибидаги мис ионларини 94% гача, сульфат ионларини 95,7 % гача, молибден ионларини 79% гача, темир ионларини 71% гача, ҳамда сувнинг қаттиқлигини 60 % гача камайтириш имконини берган;

полиэкинлари поясидан олинган фосфорли целлюлоза эфири “Тўрақўрғон ИЭС қуриш дирекцияси” УК да амалиётга жорий қилинган («Иссиқлик электр станциялари» АЖ нинг 2021 йил 19 апрелдаги № 02-13/977-сон маълумотномаси). Натижада, чиқинди сувлар таркибидаги органик бирикмалар ионларини 90–92% гача, оғир металл ионларини 86,5–92% гача тозалаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та, жумладан 3 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 патент чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шу жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация 103 бетдан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Бир йиллик ўсимликлардан целлюлоза олишининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида бир йиллик ўсимликлар турлари улардан целлюлоза қисмини ажратиш олишда технологик кетма-кетликлари, олинган намуна маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари, тадқиқотчи танлаган объектга яқин мисоллар адабий шарҳда ёритилган. Таниқли олимлар томонидан эълон қилинган нуфузли илмий-тадқиқот ишлари ва патентлар таҳлил қилиниб, танлаган мавзусини асослаган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари, усулларини танлаш ва уларни асослаш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларини танлаш ва уларни асослашга бағишланган, жумладан, мазкур бобда тадқиқотда фойдаланилган кимёвий реагентлар ва тадқиқот объектларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари, танланган таҳлил усуллари, яъни ИҚ-

спекторкопия, микроскопия, рентген, электроколориметрия ҳамда физиковий-кимё усуллари келтирилган.

Диссертациянинг “**Сабзавот ва полиз экинларидан целлюлоза олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва олинган натижаларини муҳакама қилиш**” деб номланган учинчи бобида танлаб олинган полиз ва сабзавот ўсимликлар поясидан целлюлозани ажратиб олишда сув, кислота ва ишқор эритмаларида қайнатиб, осон ва қийин эрийдиган моддаларини (гидролитик деструкция натижасида полисахаридларни) экстакциялаб, электрофотокolorиметр ёрдамида оптик зичлигини аниқлаш орқали ажратиб олинди. Сабзавот ва полиз экинлари пояларини экстракциялаш жараёнида экстрактнинг оптик зичлигини ўзгариш кинетикаси 1-расмда келтирилган.

Ўсимлик пояларини экстракциялаш жараёнида унинг таркибидаги моддалар ажралиб суюқлик таркибига ўтади ва 50-60 дақиқадан сўнг экстрактнинг ранги, оптик зичлиги ўзгармасдан қолади. Натижада, унинг таркибидаги эрийдиган моддалар эритмага чиқади. Шунинг учун оптик зичлиги ўзгармасдан қолади. Суюқликнинг оптик зичлиги 1,8 да, ишқор эритмасида эса 4,0 га етганда ўзгармай қолади. Ишқорда бу моддалар (паст молекулали полисахаридлар) кўпроқ ажралиб чиқади.



1-расм. Сабзавот ва полиз экинлари поялари экстрактларининг оптик зичлиги ўзгариш кинетикаси: —●— - сув; —■— - ишқор эритмасида.

Экстракция жараёни тугагандан кейинги оптик зичликни ўзгармай қолгандаги, картошка пояси экстракти рангининг кўриниши 2-расмда келтирилди.



2-расм. Картошка пояси экстрактининг ранги. А – сувда, сарғиш кулранг; Б – 3% кислотада, жигарранг; В – 7% ишқорда, қораранг.

Помидор поясига ишлов беришда ишқор концентрациясини 10 дан 30 г/л оширилганда, целлюлоза унуми ва полимерланиш даражаси камайиб

боради: унуми 32,1 дан 20,2% гача, полимерланиш даражаси – 850 дан 650 гача. Шундан келиб чиққан ҳолда ишқор концентрациясини 20-30 г/л дан ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда ишқор сарфи ортади ва олинадиган целлюлозанинг полимерланиш даражаси пасаяди.

1-жадвал.

Помидор поясидан целлюлоза олиш шароитларининг целлюлоза унуми ва полимерланиш даражасига таъсири

№	NaOH, г/л	Ҳарорат ^o C	Вақт, Соат	Целлюлоза унуми %	ПД
1	10	160	2	32.1	850
2	15	160	4	31.4	810
3	20	160	6	25.3	680
4	25	160	8	24.1	670
5	30	160	10	20.2	650

Целлюлоза олиш жараёнида ишқор сарфининг ортиши олинган маҳсулотнинг мустаҳкамлигини камайтиради. Натижада мақбул шароит қилиб 160^oC ҳарорат, 4 соат қайнатиш ва NaOH-нинг 15 г/л концентрациясини олиш мумкин.

Помидор поясидан целлюлоза олиш. Помидор поясидан аналитик тарозида 5 г тортиб олиб, қайта ишлаб олдик. Бунинг учун ярим тайёр целлюлозани ҳар бирдан олиб, дастлаб натрий ишқори, сўнгра нитрат кислота эритмаларида 6 соат давомида, 1:40 масса нисбатда қайнатилди. Қайнагандан кейин ишқорий муҳитдаги эритмада ҳар бирини ювиб, 3% ли водород пероксид эритмасида ишлов берилди. Олинган ярим тайёр целлюлоза олиниш шароити ва физик-кимёвий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Помидор поясидан олинган ярим тайёр целлюлоза олиш ва унининг физик, физик-кимёвий кўрсаткичлари

Таркибий қисмлар	Кимёвий ишлов бериш шароити	Толаларнинг ўртача узунлиги, мм	Ҳажм массаси, г/см ³	Намунанинг сувда бўқиш даражаси, %
Барги	NaOH, 5%, H ₂ O ₂ 3%, 7% HNO ₃ , 100 ^o C, 6 соат	0,66 – 0,87	0,350	166,1
Шох шаббалар	NaOH, 5%, 7% HNO ₃ , H ₂ O ₂ 3% 100 ^o C, 6 соат	0,82 – 0,97	0,400	169,0
Тана	NaOH, 5%, 7% HNO ₃ , H ₂ O ₂ 3% 100 ^o C, 6 соат	1,27	0,440	175,6

Эритмадан целлюлозали қисми филтрлаб олиниб, дистилланган сувда нейтрал ҳолатгача ювилди ва яна 6 соат 5% ли нитрат кислота эритмасида қайнатилди. Ажратиб олинган целлюлоза нейтрал муҳитгача ювилади ва ишқорий муҳитга келтириб, 3% ли водород пероксид эритмасида 60 дақиқа қайнатиб, реакция тўла бориши учун 24 соат хона ҳароратида қолдирилди. Оқартирилган целлюлозали қисми филтрланиб, нейтрал ҳолатгача ювилиб, хона шароитида қуритилди. Целлюлоза толаларига кимёвий ишлов берилгач,

унинг структурасидаги ўзгаришлар: физик-кимёвий, сувда бўқиш даражаси, кул миқдори, оптик кўрсаткичлари ва полимерланиш даражаси (ПД) ўрганилди (3-жадвал).

Помидор поясини барги, шохчаси ва танасидан олинган целлюлозанинг физик-кимёвий хоссалари бир биридан фарқ қилади. Баргидан олинган целлюлозани кул миқдори, бошқа қисмларидан олинган целлюлозаникидан 7,5-10,0 баробар катта. Шохчасидан олинган целлюлозага қараганда танасидан олинган целлюлозанинг сувда бўқиш даражаси 5-6% юқори. Полимерланиш даражаси: баргидан олинган целлюлозаники 330, шохчасидан олинган целлюлозаники 610, танасидан олинган целлюлозаники эса 854 га тенг.

3-жадвал.

Помидор поясидан олинган целлюлозанинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

	Целлюлоза миқдори, %	Ҳажм массаси, г/см ³	Сувда бўқиш даражаси, %	Кул миқдори, %	ПД
Баргдан олинган целлюлоза	11,2	0,350	166,1	0,120	330
Шохчадан олинган целлюлоза	24,3	0,400	169,0	0,016	610
Танасидан олинган целлюлоза	69,8	0,440	175,6	0,012	855

Поя таркибидаги целлюлоза қисмини ажратиб олишда ишқорли ва кислотали усуллардан фойдаланилди. Юқорида осон эриган моддалардан тозаланган каттик қисмини дастлаб 3% ли нитрат кислота эритмасида 90 минут қайнатилди. Сўнгра ювиб, 7% ли натрий ишқори эритмасида 6 соат қайнатилди. Дистилланган сув билан ювилгач, целлюлозани оқартириш учун 6% ли H₂O₂ да 15 мин қайнатилди. Олинган целлюлозанинг миқдори ва физик-кимёвий хоссалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал.

Ер ёнғоқ поясини илдизи, пастки, ўрта ва тепа қисмларидан олинган целлюлозанинг физик-кимёвий хоссалари

Хом-ашё	Целлюлоза миқдори, %	Полимерлан иш даражаси	Сувда бўқиш, %	Сув шимиши, %	Оқлиги, %	Хиралиги, %	Оқ-қора, L*	Қизил-кўк, a*	Сариқ-хаворанг, b*
Илдизидан	12,1	1123	252	9,12	56,50	92,09	90,46	0,02	10,72
Пастки қисмидан	14,3	824	227	13,70	55,36	91,25	90,90	0,19	11,68
Ўрта қисмидан	12,7	734	220	10,41	61,44	99,98	95,20	0,22	12,10
Тепа қисмидан	8,2	671	210	9,10	58,36	91,25	90,90	0,19	11,68

Маълумки, бир йиллик ўсмиликлар поясида целлюлоза миқдори 30-32% атрофида бўлади. Ер ёнғоқ пояси таркибида целлюлоза миқдори жуда кам: поясининг пастки қисмида энг юқори 14,3%, энг ками поянинг тепа қисмида 8,2%. Пояни илдизи ва ўрта қисмида целлюлоза миқдори 12,1-12,5% ташкил қилади. Чунки намуна сифатида пишиб етилмаган (вегетатив даври тугамаган) ер ёнғоқ пояси олинган. Яъни ер ёнғоқни вегетатив жараёнида целлюлоза хосил бўлиши тўла амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Ер ёнғоқ поясининг илдизи ва пастки қисмларидан олинган целлюлозани полимерланиш даражаси юқори 1123-720, ўрта ва тепа қисмларидан олинган целлюлозани полимерланиш даражаси камроқ 700-650 бўлади. Намуналарнинг сувда бўқиши ва ҳаводан намликни ютиши, амалда, бир хил. Олинган целлюлоза толалари майда ва қаттиқ ҳолатда бўлади (3-расм).




3-расм. Ер ёнғоқ поясидан олинган целлюлоза намуналари: 1 – илдизидан; 2 – пастки қисмидан; 3 – ўрта қисмидан; 4 – юқори қисмидан олинган целлюлоза.

Ер ёнғоқ поясидан олинган целлюлоза ИҚ-спектроскопия усули ёрдамида таҳлил қилинди ва 4-расмда келтирилди.

Ер ёнғоқ поясидан олинган целлюлоза ИҚ-спектрида $3346,5 \text{ см}^{-1}$ соҳасининг валент тебраниши ОН-группасига тегишли ва у ўртача интенсивликда ётади.

ИҚ-спектрдаги $2920,23 - 2850,79 \text{ см}^{-1}$ ютилиш соҳалари, метил (CH_2) гуруҳларига тегишли бўлиб, ўртача интенсивликдаги валент тебранишларни намоён қилади. $1429,25 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги ютилиш чўққиси (CH_2OH) ва (CH) гуруҳларига тегишли. ИҚ-спектрда целлюлозага айнан хос бўлган кўприксимон симметрик боғланишли (COC) гуруҳлари (1053 см^{-1}) ютилиш соҳасида ётади. Метил груҳлари $1361,74-1313,52 \text{ см}^{-1}$ ютилиш соҳасида намоён бўлади.




4 - расм. Ер ёнғоқ поясидан олинган целлюлозасининг ИҚ-спектри.

Тажрибалар шуни кўрсатдики наъмуна учун олинган целлюлозани функционал гуруҳлар ўзгариши билан гуруҳлардаги деформацион, ассимметрик, валент тебранишларнинг ўзгариши ва уларнинг интенсивлиги ҳам ўзгариб боради.

Ер ёнғоқ таркибида 50% атрофида ишқор ва кислоталарда эрийдиган моддалар ва 27-30% атрофида целлюлоза мавжуд. ИҚ-спектри анализини кўрсатиши бўйича олинган целлюлоза намунасида 3 та функционал груҳи бўлиб, ОН гуруҳида водород боғ ҳосил қилган ва водорд боғ ҳосил қилмаган функционал гуруҳдан ташқари ассимметрик валент боғли CH_2 функционал гуруҳ ҳам мавжуд.

Помидор поясидан олинган целлюлозанинг ИҚ-спектроскопик таҳлиллари амалга оширилди. Помидор ўсимлиги пояси целлюлозаси ва ундан 30, 60 ва 120 минутларда гидролизлаб олинган МКЦнинг ИҚ-спектрлари 5- расмда келтирилган.



А – Помидор ўсимлиги пояси целлюлозаси; Б – 30 минут қайнатиб олинган МКЦ; В – 60 минут қайнатиб олинган МКЦ; Г – 120 минут қайнатиб олинган МКЦ.

5-расм. Помидор ўсимлиги пояси целлюлозасини ИҚ-спектри.

ИҚ-спектр шартли равишда якка боғ (3500-2800 см^{-1}), уч боғ (2300-2100 см^{-1}), кўш боғ (1800-1540 см^{-1}) соҳаларга бўлинади. Целлюлоза намуналари учун характерли функционал гуруҳи – ОН ҳисобланади. -ОН гуруҳининг водород боғлар ҳосил қилиш қилмаслигини уларнинг ютилиш соҳаси чўққилари орқали аниқланади. Помидор целлюлозасининг ИҚ-спектрларида кузатиладиган функционал гуруҳларнинг характерли тебраниш частоталари келтирилган. Ютилиш соҳси 3780,51-3732,77 см^{-1} водород боғ ҳосил қилмаган. 3423,6 см^{-1} водород боғ ҳосил қилган гидроксил гуруҳларга тегишли (5-расм).

Олинган микрокристаллик целлюлозаларнинг тола шакли ва ўлчамлари аниқлаш мақсадида оптик микроскопия усулида таҳлиллар амалга оширилди. Целлюлоза толаларининг шакли ва ўлчамлари, МКЦ заррачаларининг ташқи кўринишлари ОРТИКА – В-150 маркали микроскопи ёрдамида 100 марта катталаштириб олинди (6-расм).



Помидор целлюлозаси, x100



Помидор МКЦ, x100

6-расм. Помидор целлюлозаси ва МКЦ толаларининг микрофотографияси.

Иккала намунадан олинган целлюлоза толалари фибрилланган кўринишдалиги аниқланди. Помидор целлюлозаси толалари фибрилланган кўринишдалиги ва ундан синтез қилинган МКЦ толаларида фибрилланган қисми мавжуд эмаслиги, заррачалар бир-бири билан бирлашганлиги, яъни, заррачалар агрегирланганлиги аниқланди. Бу ҳолат водород боғлар ҳисобига содир бўлган.

Олинган намуналарнинг сифат кўрсаткичлари турли физик-кимёвий усуллар ёрдамида аниқланди ва қуйидаги жадвалда келтирилди. Унга кўра картошка, ер ёнғоқ, ошқовоқ ва помидор пояларидан ажратиб олинган целлюлоза қисмининг физик-кимёвий хоссаларининг ўзига ҳослиги аниқланди (5-жадвал).

Полиз ва сабзавот пояларинидан олинган целлюлозани миқдори ва сифат кўрсаткичлари

Ўсимликлар	Целлюлозани миқдори %	Алфа-целлюлозани миқдори %	Ҳажм массаси, г/дм ³	Сув ютиши, %	Ҳаводаги намликни ютиши, %,	Кул миқдори %	Полимерланиш даражаси	Оқлиги %
Картошка	28,7	80,1	390	185	11,0	1,3	760	59,50
Помидор	32,4	94,3	405	210	13,4	1,24	810	72,70
Ер ёнғоқ	12,7	86,6	395	190	10,41	1,6	734	61,44
Ошқовок	30,0	78,4	305	200	12,3	1,8	724	60,24

Диссертациянинг “Сабзавот ва полиз ўсимликлари поясидан микрокристаллик целлюлоза олишнинг техник-иқтисодий самарадорлиги ва технологик схемаси” деб номланган тўртинчи бобида олинган целлюлозалардан микрокристаллик целлюлоза синтез қилиш, физик кимёвий структурасини ўрганиш ҳамда целлюлозани фосфорли эфирини олишга ва уни сувни юмшатиш, оқава сувни тозалашда қўллаш тажрибалари ҳамда кутиладиган иқтисодий самара ҳисоби келтирилган.

Помидор целлюлозасидан МКЦ синтез қилиш. 6-жадвалда 3% ли нитрат кислота эритмасида 45 минут давомида ҳар хил температурада синтез қилинган помидор МКЦ кўрсаткичлари келтирилган.

Нитрат кислотани 3% ли эритмасида 45 мин давомида гидролизлаш ҳароратнинг МКЦ заррачалари узунлигига ва ПД га таъсири

Ҳарорат, °С	Полимерланиш даражаси	МКЦ заррачаларини узунлиги, мкм
95-100	420	362
110	223	235
120	160	194
140	115	112
150	112	98

6-жадвалда келтирилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, турли ҳароратларда заррачаларнинг ўртача ўлчамининг қиймати 360-100 мкм орлиқда бўлади, МКЦ олиш учун гидролизнинг энг оптимал ҳарорати 120 °С, ҳамда нитрат кислотасининг концентрацияси 3% бўлган шароитда олиб борилганда эса заррачалар ўлчами 194 мкмни ташкил этади.

Помидор пояси целлюлозаси асосида сорбент олиш мақсадида дастлаб целлюлоза 10% NaOH эритмада 90°C ҳароратда фаоллаштирилди. Сўнгра ортафосфат кислотаси, карбонид аралашмаси 1:3 нисбатда 130°C ҳароратда 1 соат давомида ишлов берилиб, целлюлозани фосфорли эфирини олинган, нейтраллаб, 110°Cда қуритилиб олинди. Целлюлозани фосфорли эфирини сорбцион хусусиятини аниқлаш лаборатория шароитида DR-6000

спектрофотометр қурилмасида синалди. Намуна учун олинган сувнинг 1 литрга 1,5-2,5 г оралиқда целлюлозанинг фосфорли эфири асосидаги сорбентлари 30-50 дақиқага солиб, сувдаги оғир металлларни сорбцион хусусиятлари текширилди ва оптимал шароитлари 40 дақиқа эканлиги ва сорбент сарфи 2,5 г лиги аниқланди.

Бунда ион алмашиш реакциясида қатнаша оладиган протонлар миқдорини ортиб бориши сорбентнинг сорбцион сиғими ҳажмининг катталашига олиб келади. Реакция олиб бориш шароитига: ҳарорат, реакция вақти, шунингдек дастлабки хомашёлар хоссасига ва майдалик даражасига боғлиқ равишда, таркибида 3,6-12,8 % фосфор, ҳамда ион алмашиш сиғими 8,5-9 мг-экв/г дан катта бўлган маҳсулот олиш мумкин.

Тадқиқотнинг бу бобида целлюлоза тутувчи помидор ўсимлиги поясидан олинган целлюлозадан ион алмашинувчи сорбентларни синтези ва уларнинг физик-кимёвий, ион алмашиниш хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари келтирилган (7-жадвал).

7-жадвал .

Помидор поясидан олинган целлюлозани фосфорли эфири асосидаги ион алмашинувчиларнинг статик алмашиш сиғими ва хоссалари

Помидор ўсимлигидан олинган целлюлозани этерификацияловчи аралашма нисбати, г/г	Этерификация ҳарорати, °С	Заррача ўлчами, м	Фосфор (Р) миқдори, масс. %	Статик алмашиш сиғими 0,1н NaOH бўйича, мг-экв/г
3,6-1	120	0,25	11,9	8,3
3,4-1	120	0,18	12,1	8,8
3,8-1	120	2	13,9	9,1

Помидор поясидан олинган целлюлоза асосида олинган целлюлозани фосфорли эфири юмшатиш сув тайёрлаш учун сорбцион ион алмашинувчи материаллар олиш технологияси ишлаб чиқилди.


Оқава сувларни помидор целлюлоза фосфорли эфирдан фойдаланиб тозалаш натижасида: умумий қаттиқлик 8,2 дан 6,1 мг-экв/л га, кальций иони 4,7 дан 3,1 мг-экв/л га, магний иони 3,2 дан 2,1 мг-экв/л га камайтирилди, олинган маълумотлар 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал.

Помидор целлюлозани фосфорли эфирини сувларни юмшатиш жараёнларида қўллаш натижалари

№	Кўрсаткичлар номи	“Тўрақўрғон ИЭС” УК сувни юмшатиш цехидаги қисман тиндирилган техник сувларини кўрсаткичлари	
		Синовгача	Синовдан кейин
1	Умумий қаттиқлик, мг-экв/л	8,2	6,1
2	Ca ²⁺ миқдори, мг-экв/л	4,7	3,1
3	Mg ²⁺ миқдори, мг-экв/л	3,2	2,1

7-расмда помидор целлюлозасининг фосфорли эфирини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси таклиф этилди.



1,2–кимёвий эритма тайёрловчи қурилма; 3 – целлюлозани эфирлаш ва ювиш қозони; 4– массани сақлаш ҳавзаси; 5 – қуритиш қурилмаси; 7– тайёр маҳсулотни қадоқлаш.

7-расм. Помидор целлюлозасининг фосфорли эфирини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.

Помидор поясидан целлюлоза олиш ва целлюлозани фосфорли эфирини олиш учун, 1 – сиғимлардан таркиб бўйича, 6 – кимёвий эритма 15% ортафосфат кислотаси билан тайёрловчи қурилмадаги реагент билан 60-90 минут 120-135°C ишлов берилади. 4 – масса ювиш ҳавзасига ўтади, муҳит рН=7–7,2 га келтирилгунча сув билан тозаланиб, сақланади. 7 – ҳосил бўлган тайёр маҳсулотни сақлаш омборига ўтказилади ва истемолчиларга етказиб берилади.

Республикаимизнинг бир қанча саноат корхоналарида сувни тозалашда КУ-2х8, КУ-1 каби катионитлар қўлланилади. Бироқ, бу ионитлар қиммат бўлганлиги сабабли, уларни қўллаш, иқтисодий харажатларни ортишиги олиб келади. Помидор целлюлозасининг фосфорли эфирини қўллаб, оқава сувларни тозалаш натижалари 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал.

Помидор целлюлозасининг фосфорли эфирини қўллаб, оқава сувларни тозалаш натижалари (РД 34.37.305-97 қўлланмаси асосида)

№	Ионлар	Корхона оқава сувидан олинган сув намуналар	
		Синовгача, мг/л	30 дақ синовдан кейин, мг/л
1	Fe ³⁺	0,34	0,1
3	Mo ⁶⁺	1,9	0,4
4	Cu ²⁺	1,6	0,10
5	Cr ²⁺	0,1	0.003
6	(PO ₄) ³⁺	3,2	0,2

Помидор целлюлозасининг фосфорли эфирини саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатиш жараёнларида саноат миқёсида синовлар ўтказилган.

Синовлар «Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси» УК корхонасининг марказий лабораторияси DR6000 қурилмасида бажарилган.

10-жадвалда таклиф этилган целлюлозанинг фосфорли эфирини қўллаб филтрлагандаги сувнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари келтирилган.

10- жадвал.

Бир йиллик ўсимликлардан олинган целлюлозанинг фосфорли эфирини қўллаб ишлов берилган сувнинг физик-кимёвий хоссалари

Техник сувни кимёвий тозалаш усуллари	pH	Электр ўтказувчанлик, $\mu\text{s}/\text{cm}$	Умумий қаттиқлик, $\text{Ж}^\circ, \text{мг} \text{э} \text{к} \text{в} / \text{д} \text{м}^3$	Ишқорий-лиги, $\text{мг} / \text{д} \text{м}^3$	Лойқалик, NTU	Муаллақ моддалар, мг/л
Қисман тиндирилган техник сув кириш	8.27	455	8.2	2.1	1.02	2
Целлюлоза филтр	8.18	430	6.1	1.5	0.15	0.1
Кучли катион филтр	8.27	455	8.1	1.1	1.27	0
Кучсиз катион филтр	8.16	340	2.4	0.3	0.38	0
Кучли анион филтр	7.12	136	0.2	0.2	0.96	0

Қуйида 1 кг помидор поясидан олинган целлюлоза ишлаб чиқариш таннархининг ҳисоби келтирилган:

1кг Помидор пояси олинган тайёр целлюлоза нархи - 8600 сўм.

1кг тайёр целлюлозага қўшиладиган ортофорфат кислотаси миқдори 15%.

1кг ортофорфат кислотаси нархи - 34000 сўм; 1кг целлюлоза фосфорли эфирига сарфи: $34000 \times 0,15 = 5100$ сўм. $8600 + 5100 = 13700$ сўм.

1 кг целлюлозани фосфорли эфирини ишлаб чиқаришда корхонанинг сарфи – 1680 сўм.

1кг Помидор пояси ярим тайёр целлюлозасидан ишлаб чиқарилган целлюлозани фосфорли эфирининг таннархи: $13700 + 1680 = 15380$ сўм.

“Химсейл” корхонаси ишлаб чиқарган целлюлозани фосфорли эфирининг чакана нархи 27213 сўм. Фарқи: $27213 - 15380 = 11833$ сўм.

1 тонна помидор поясидан олинган тайёр целлюлозадан ишлаб чиқарилган целлюлозани фосфорли эфиридан олинган иқтисодий фойда: $1000 \times 11833 = 11\,833\,000$ сўм.

ХУЛОСА

1. Бир йиллик полиз ва сабзаёт ўсимликлари пояларининг турли қисмларини қайта ишлаб, улар таркибидаги целлюлозанинг миқдори, сифати кимёвий таҳлиллар асосида ўрганилиб, олинган натижалар асосида целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олишнинг инсон саломатлиги учун

хавфсиз иқтисодий самарадор бўлган янги ишқорий-кислотали-водород пероксидли усули ишлаб чиқилди.

2. Маҳаллий бир йиллик полиз ва сабзавот ўсимлик пояларидан целлюлоза олиш жараёнининг мақбул шароитлари, ҳамда олинган целлюлоза ва унинг ҳосилаларининг физик-кимёвий хоссалари ва структуравий ўзгаришлари аниқланган.

3. Комбинирланган усулда микрокристаллик целлюлоза олиш жараёнида, кислота/перексид нисбатларининг маҳсулот сифати ва унумига таъсири, ҳамда жараённинг мақбул шароитлари аниқланган.

4. Ёғоч целлюлозасини ўрнини босувчи, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган синтез қилинган целлюлоза, микрокристаллик целлюлоза ва унинг ҳосилаларини, саноатнинг энергетика, кимё, нефтни қайта ишлаш ва халқ хўжалиги каби турли жабҳаларида қўллашга тавсия қилинган.

5. Полиз экинлари поясидан олинган целлюлозали сорбентлар, чиқинди сувлар таркибидаги органик бирикмалар ионларини 90–92% гача, оғир металл ионларини 86,5-92% гача, жумладан, мис ионларини 94% гача, сульфат ионларини 95,7 % гача, молибден ионларини 79% гача, темир ионларини 71% гача тозалаш аниқланган.

6. Олинган помидор целлюлозасининг фосфорли эфирини техник сувларни тозалашда, синовдан ўтказилганда, иссиқлик электр станциясида қўлланиладиган ички айланма суви таркибидаги кальций ионларини 4,7 дан 3,1 мг-экв/л гача ва магний ионларини 3,2 дан 2,1 мг-экв/л гача, шунингдек сувнинг қаттиқлигини 60 % гача камайтириш орқали сув таркибидаги кальций ва магний ионларини концентрациясини назорат қилиш усули ишлаб чиқилган.

7. Помидор поясидан олинган целлюлозанинг фосфорли эфири «Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси» УК корхонасининг айланма сувларини тозалашда амалиётга жорий қилиниши натижасида, импорт қилинадиган реагентлар сонини камайтириш ҳисобига бир ойда, 11 миллион 833 минг сўм маблағ иқтисод қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НОРМАТОВ ҒАЙРАТ АЛИЖОНОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ЦЕЛЛЮЛОЗЫ И ЕЁ
ПРОИЗВОДНЫХ ИЗ ЦЕЛЛЮЛОЗАСОДЕРЖАЩЕГО МЕСТНОГО
СЫРЬЯ И ОБЛАСТИ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ**

02.00.14 – Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.3PhD/T3032.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу (www.tktiti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:	Примкулов Махмуд Темурович, доктор технических наук, профессор.
Официальные оппоненты:	Ёдгоров Нормахаммад доктор химических наук Соттикулов Элёр Сотимбоевич доктор философии (PhD) по техническим наукам, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится « 29 » мая 2023 г. в « 11⁰⁰ » часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, ул. Шурабазар, (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz

С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 2023/13) Адрес: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, Шурабазар, (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz.

Автореферат диссертации разослан « 16 » мая 2023 года.
(протокол рассылки № 2023/13 от « 16 » мая 2023 г.).




Джалилов А.Т.
Председатель научного совета по
* присуждению учёных степеней,
д.х.н., проф., академик


Ширинов Ш.Д.
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
PhD тех., с.н.с.


Бекназаров Х.С.
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня во всём мире особое внимание уделяется расширению производства и применения целлюлозных продуктов. Поэтому очень актуальным является производство целлюлозы и ее производных из удобного и дешевого местного сырья. Совершенствование технологии получения и производства целлюлозных продуктов для различных химических, медицинских, фармацевтических и других отраслей промышленности приобретает все более важную роль.

В мире в больших масштабах проводятся исследования по переработке стеблей однолетних целлюлозосодержащих растений и получение целлюлозы из их различных частей, а также по определению их физико-химических свойств и структурных изменений. В связи с этим вместо дорогостоящей древесной целлюлозы путем переработки стебля однолетних растений для получения целлюлозы, определения оптимальных условий процесса и разработки технологии использования полученной целлюлозы и ее производных в энергетике, химии, нефтепереработке и различных отраслях народного хозяйства, повышению видов целлюлозной продукции и повышению их конкурентоспособности уделяется особое внимание.

В последние годы в стране проводятся исследования по модернизации химических предприятий, расширению номенклатуры и объемов конкурентоспособной продукции, производству целлюлозы и ее эфиров на основе местного сырья. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи «поднятия промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработки местных источников сырья, ускорения производства готовой продукции, освоения новых видов продукции и технологий.»¹. В связи с этим, создание, с использованием эффективных методов инновационных технологий, производства целлюлозы с высокой реакционной способностью на основе растительных полимеров и повышение качества микрокристаллической целлюлозы приобретают очень важную значимость.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», и Постановлений Президента от 23 августа 2017 года № ПП-3236 «О Программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности», № ПП-4302 от 1 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию промышленных корпораций и расширить производство востребованной продукции», а также для поставленных задач в других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП № 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан – VII «Химическая технология и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В области получения целлюлозы из волокнистых материалов и совершенствования технологий применения их в различных назначениях проводили научные исследования ряд ученых: М. Маклеод, А. Маркус, Э. Рейхман, Р. Мареш, Э. Эбинар, А. Колдер, А.С. Тураев, Л.С. Кочева, И.Р. Ахмедшин, А.Н. Гладнева, М.С. Дудкин, А.Р. Минакова, А.Т. Е.Л., Петропавловский Г.А., Роговин З.А., Усманов Х.У., Негматов С.С., Джалилов А.Т., Шалиев Г.Р. Рахмонбердиев, С.Ш. Рашидова, Ш. Наджмудинов, А.А. Саримсоков, А.А. Атаханов, И.А. Набиева, Р.С. Сайфутдинов, Д.С. Набиев, Б.С. Карабаева и другие.

Вышеуказанные ученые предложили различные способы получения целлюлозы и её производных из различных растений, изучено влияние различных технологических факторов на процессы их получения. Также предложено использование полученную на основе природного сырья и промышленных продуктов целлюлозу и ее производных в различных отраслях промышленности.

В настоящее время ведутся научные исследования разработке эффективных технологий получения целлюлозы на основе местного сырья и модификация соединением с содержащих активные функциональные группы и применению их на практике.

Связь темы диссертации с научно - исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

Исследование диссертации выполнено по плану научно-исследовательских работ Ташкентского химико-технологического института в рамках практического проекта №МУ-ПЗ-20171025237 по теме: «Извлечение целлюлозы различного назначения из бахчевых культур» (2017-2019 гг.).

Целью исследований является разработка технологии получения целлюлозы и ее производных из местного целлюлоза содержащего сырья.

Задачи исследования:

